



ҲАДИС РОВИЙЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Нўмонжон Насибжонович Тўраев

numonjon.turaev@mail.ru

Ўзбекитон халқаро ислом академияси
Исломшунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси, PhD
97-470-04-03.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11526778>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-June 2024 yil

Ma'qullandi: 04- June 2024 yil

Nashr qilindi: 08- June 2024 yil

KEYWORDS

“ат-Тарих ал-кабир”, “ат-Тарих ал-авсат”, “аз-Зуафо ал-сағир”, “такаллама фийҳи”, “заиф”.

ABSTRACT

Имом Бухорийнинг (810-870 й.й.) “жарҳ ва таъдил” илмига бағишланган “ат-Тарих ал-кабир”, “ат-Тарих ал-авсат”, “аз-Зуафо ал-сағир” асарлари бугунги кунгача етиб келган бўлиб, улар мавзу ва маълумотлар қамрови кенглиги билан ушбу турдаги бошқа манбалардан ажралиб туради. Муаллиф мазкур асарларда “жарҳ” қилинган ровийлар ривоятларининг бошқа муҳаддислар ҳадис тўпламларига киритилиши, баҳоланишига таъсирини ўрганиш Имом Бухорийнинг ушбу илмда тутган мавқеини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Мақолада асарда ишлатилган “такаллама фийҳи” ибораси мисолида муҳаддиснинг жарҳга оид методи ёритиб берилган.

Ҳадисларни ўрганиш, ривоятлар ичидан ишончлиларини саралаб олишда ҳадис ровийлари занжири, яъни иснодни билиш муҳим аҳамиятга эга. Мана шу сабабли, ҳадис илми билан шуғулланган муҳаддислар ровийларни ўрганиш, уларнинг ичидан ишончли ва ишончсизларини ажратиб олиш ишига катта аҳамият беришган. Имом Шофеий (ваф. 203/819) таъбири билан айтганда, “Санадсиз ҳадис ўрганишга чоғланган киши тун қоронғусида ўтин тўплаган киши кабидир. У ичида илон бўлган бир боғ ўтинни устига ортиб олса ҳам буни билмайди”[1:21-22]. Ҳадис илмида исноднинг аҳамиятини яхши англаган муҳаддис олимлар ўзларидан кейинги авлодларга ишончли қўлланма яратиш мақсадида ровийлар, уларнинг таржимаи ҳолларига бағишланган асарлар яратишган.

Манбаларга кўра, ушбу жанрга оид дастабки китоблар иккинчи ҳижрий асрнинг иккинчи ярмидан кейин ёзилган бўлиб, Лайс ибн Саъднинг (ваф. 175/791) “ат-Тарих” ва Имом Абдуллоҳ ибн Муборакнинг (ваф. 181/797) “ат-Тарих” асарлари ровийлар илмига бағишланган илк манбалардир [2:25]. Имом Заҳабий Валид ибн Муслим (ваф. 195 ҳ.)нинг ровийлар тарихи тўғрисида китоб ёзганини зикр қилади[3:1:221].

Имом Жалолиддин ас-Суютийга кўра, “илм ар-рижол”да биринчи бўлиб китоб ёзган муаллиф Шуъбадир.

Шиаларга кўра, “Илм ар-рижол”га оид ёзилган дастабки китоб Убайдуллоҳ ибн

Абу Рофеънинг “Тасмияту ман шаҳида маъа амир ал-муъминин фил-жамал вас-сиффин ван-наҳрувон мин ас-саҳаба” (Амир ал-муҳминин билан Жамал, Сиффин ва Наҳрувон жангларида бирга жанг қилган саҳобийларнинг исмлари) бўлиб, ҳижрий 40 йилдан аввал ёзилган. Шиа олимларидан ҳисобланган, Саййид Ҳасан ас-Садр ўзининг “Таъсис аш-шийъа” асарида Абдуллоҳ ал-Киноний (ваф. 219 ҳ.)нинг “илм ар-рижол”да биринчи бўлиб асар ёзган олим эканини таъкидлайди.

Шундан сўнг, ушбу илмга бағишланган кўплаб асарлар ёзилди. Муаллифлар ўз асарларида бир қанча мезонлар асосида ровийлар тарихини ёритишди. Ровийлар тўғрисида ёзилган асарлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ҳадис ровийларининг барчасини қамраб олувчи китоблар. Ушбу турдаги китобларда ҳадис ривоят қилган ҳар қандай ровийлар жамланади. Ушбу асарларга ровийларнинг ишончилилари ҳам, ривояти қабул қилинмайдиганлари ҳам киритилади. Ушбу туркумдаги машҳур асарлар қуйидагилар:

- Имом ал-Бухорий – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил (ваф. 256/870)нинг “ат-Тарих ал-кабир” асари. Асар ҳажми жуда ҳам катта бўлиб, унда зикр этилган ровийлар сони 13800 тага етади;

- Ибн Абу Ҳотам – Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идрис Тамимий (ваф. 327/938)нинг “ал-Жарҳ ват-таъдил” асари. Муаллиф ҳар бир ровий тўғрисида маълумот бераётганда унинг насаби, кунyasi, нисбаси, машҳур устоз ва шогирдлари, ривоятлари, Ватани, сафар қилган ўлкалари, кўчиб ўтган ва яшаб қолган юрти, агар ақидаси аҳли суннага муҳолиф бўлса бу ҳақда ҳам, агар асар ёзган бўлса ўшаларни ҳам келтиради. Баъзида вафот этган санасига ҳам ишора қилади.

2. Табақот жанридаги асарлар. Ушбу турдаги китоблар муаллифлар томонидан ровийларни турли мезонлар асосида табақаларга ажратган ҳолда тартибланади. Масалан, Заҳабийнинг “Табақот ал-Ҳуффоз”и ҳадис ҳофизлари табақаларига, Абу Амр Дониининг “Табақот ал-қурро”си Қуръон қорилари табақаларига, Субкийнинг “Табақот аш-Шофиъийя”си Шофеий мазҳаби фақиҳлари табақаларига бағишланган. Ҳадис илмига оид табақот асарлари ҳам мавжуд бўлиб, улар барча табақаларни қамраб олган ёки бирор табақага бағишланган бўлиши мумкин. Барча табақаларни қамраб олган асарлар ичида машҳурлари қуйидагилар:

- Воқидийнинг котиби номи билан машҳур бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саъд (ваф. 230/845)- “Ат-Табақот ал-кубро” (Катта табақот) асари. Асарда саҳобийлар, тобейлардан тортиб муаллиф замонигача бўлган ровийлар исмлари жамланган бўлиб, асарда ровийлар 8 табақага тақсимланган;

- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий (ваф. 748/1348)нинг “Тазкират ал-ҳуффоз” (Ҳофизлар зикри) асари. Ушбу китоб ҳадис ҳофизларигагина бағишланган бўлиб, кўплаб ҳадисларни ўзларида жамлаган ровийлар, жарҳ ва таъдил илми уламолари ҳақидадир. Асар саҳобалар табақасидан шайхлар табақасигача 21 табақага бўлиб тартибланган.

Фақатгина бир табақани қамраб олган китоблар асосан саҳобийларга бағишлаб ёзилади. Зеро, саҳобийларни билиш ислом илмларининг барча соҳаларида энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳадис илми уламоларининг бу ўриндаги иши ровийлар занжирининг энг юқорисида турувчи ровийнинг саҳобийлигини аниқлашдан иборат бўлади. Дастлабки давр муҳаддислари саҳобийлар тўғрисида алоҳида китоб ёзишмаган

бўлсада, ўзларининг ровийлар илмига оид барча асарларида саҳобийларни тадқиқ этишган. Кейинчалик фақатгина саҳобийларга бағишланган асарлар жамлана бошлади. Ушбу турдаги асарлар кўп бўлиб улар ичида машҳурлари қуйидагилар:

- Ибн Абдулбар – Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад (ваф. 463/1071)нинг “ал-Истийъаб фий маърифа ал-асҳаб” (Асҳобни билишдаги ҳамма нарса)[4:1:24]. Асарда саҳобийнинг насаби, кимлардан ҳадис ривоят қилгани, ундан кимлар ҳадис ривоят қилгани, унинг қисқача тарихи, унинг ривоятларини ҳам келтириб ўтади. Китобда зикр этилган саҳобийлар сони 4225 тага етади;

- Ибн ал-Асир – Али ибн Абул-Карам Шайбоний Жазарий (ваф. 630/1233)нинг “Усд ал-ғоба фи маърифа ас-саҳоба” (Саҳобаларни билишда ўрмон шери) асари. Асарда 7554 та саҳобий тўғрисида маълумотлар келтирилган. Асарда ҳар бир ровийнинг насаби, агар муҳожирлардан бўлса ҳижрати, ғазотга чиққан бўлса ғазоти, вафот санаси каби муҳим маълумотлар берилади;

- Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний – Абулфазл Аҳмад ибн Али Муҳаммад ибн Аҳмад (ваф. 1448/852)нинг “ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба” (Саҳобани фарқлашдаги муваффақият) асари. Ушбу китоб саҳобалар тўғрисидаги энг мукамал асар ҳисобланади. Асарда зикр этилган ровийлар сони 12267 тага етади.

3. Бирор асар ровийларига бағишланган асарлар. Ушбу турдаги асарлар бирор ҳадис тўпламидаги ровийларга бағишланган бўлади. Муаллиф биргина асар ёки бир-нечта асарларнинг ровийларинигина ўрганади. Ушбу жанр ҳам ҳадис тўпламлари яратилгандан кейин, тахминан 4-ҳижрий асрдан ривожланди. Қуйидагилар улар ичида машҳурларидир:

- Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад Калабозий (ваф. 398/1008)нинг “ал-Ҳидоя вал-иршод фи маърифати аҳл ас-сиқот вас-садад” (Сиқа ва саломатлик аҳлини билишдаги тўғри йўл ва кўрсатма). Ушбу китоб “Саҳиҳи Бухорий”даги ровийларга бағишланган;

- Ибн Манжувайҳ – Абу Бакр Аҳмад ибн Али Исфаҳоний (ваф. 428/1037)нинг “Рижол Саҳиҳи Муслим” (Муслим Саҳиҳининг ровийлари) асари. Асар, номидан ҳам кўриниб турганидек, Имом Муслимнинг “Саҳиҳ”и ровийларига бағишланган;

- Муҳаммад ибн Яҳё ал-Ҳаззо Тамимий (ваф. 416/1025)нинг “ат-Таъриф би рижол ал-Муватто” (Муваттонинг ровийларига таъриф) асари;

- “Сиҳоҳи Ситта” (Олти ишончли тўплам) ровийларига бағишлаб ёзилган асарлар. Кўплаб муаллифлар олти машҳур ҳадис тўпламлари ровийларнинг таржимаи ҳолларини жамлашган. Жумладан, Ҳофиз Абдулғани ибн Абдулвоҳид Мақдисининг “ал-Камол фи асмо ар-рижол” асари ушбу турдаги асарлар ичида энг машҳуридир.

4. Маълум бир юрт ровийларига бағишланган асарлар. Ушбу турдаги асарларда муаллиф маълум бир шаҳар ёки юртда яшаган илм аҳли, муфаккирлар, шоир ва адиблар, риёзиётчилар каби машҳур одамларни жамлайди. Бунда уларнинг асли ушбу юртдан экани ёки кўчиб келгани эътиборга олинмаган. Уларда ровийлар ва ҳадис илми билан шуғулланган одамларга катта эътибор берилганидан ушбу турга қўшилади. Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий (ваф. 537/1143)нинг “ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд”, Абулқосим Ҳамза ибн Юсуф ас-Саҳмий (ваф. 627/1230)нинг “Тарихи Журжон”, Аҳмад ибн Али Собит Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1071)нинг “Тарихи Бағдод” асарлари шулар жумласидандир.

5. Фақатгина ишончли ровийлар тўғрисидаги асарлар. Ушбу турдаги асарларда

фақатгина ишончли ровийлар жамланган. Бундай асарлар жуда кўп бўлиб, улар ичида Абул-Ҳасан Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Солиҳ Мижлий (ваф. 261/875)нинг “Китаб ас-сиқот”и, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳиббон Бустий (ваф. 354/965)нинг “Китаб ас-сиқот”и, Умар ибн Аҳмад ибн Шоҳин (ваф. 358/969)нинг “Тарих асмо ас-сиқот мимман нуқила анҳум ал-илм” (Илм ривоят қилинган сиқаларнинг тарихи) асарлари машҳурдир.

6. Фақатгина заиф ровийлар тўғрисидаги асарлар. Ушбу турдаги асарларда заиф ровийлар жамланади. Бундай асарлар ишончли ровийларга бағишлаб ёзилган асарларга нисбатан кўпдир. Имом Бухорийнинг “аз-Зуафо ал-кабир” (Заиф ровийлар тўғрисидаги катта китоб)и, “аз-Зуафо ас-сағир” (Заиф ровийлар тўғрисидаги кичик китоб)и, Имом Насоийнинг “аз-Зуафо вал-матрукун” (Заиф ва ривояти олинмайдиган ровийлар)и, Абу Жафар Муҳаммад ибн Амр Муқайлий (ваф. 322/934)нинг “Китаб аз-зуафо” (Заиф ровийлар тўғрисида китоб)и, Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳиббон Бустийнинг (ваф. 354/965) “Маърифа ал-мажруҳин мин ал-муҳаддисин” (Муҳаддислардан жарҳ этилганлари)и, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий Журжоний (ваф. 365/976)нинг “ал-Комил фи зуафо ар-рижол” (Ровийларнинг заифлари тўғрисидаги мукамал асар)и, Имом Заҳабийнинг “Мизон ал-иътидол фи нақд ар-рижол” (Ровийларни адолатли деб белгилашда меъёр)и, “Лисон ал-мийзон” (Мезон тили)лари ушбу турдаги асарлар ичида машҳурларидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳадисларнинг ишончилилик даражасини белгилашда асосий восита бўлган ровийларни тадқиқ этиш билан шуғулланган муҳаддислар кўплаб асарлар яратишган. Дастлабки асарлар иккинчи ҳижрий асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса, учинчи ҳижрий асрда барча ровийларни қамраб олувчи, шунингдек, ишончли ёки заиф ровийларга бағишланган асарлар ёзилди. Тўртинчи ҳижрий асрдан бошлаб машҳур ҳадис китоблари ровийларига бағишланган асарлар ёзиш урфга айланди. Кейинги асрларда ушбу турдаги дастлабки асарлар танқидий ўрганиб чиқилди, улардаги айрим камчиликлар тўлдирилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Ажвиба ал-фозила лил-асъилати ал-ашийра ал-комила. – Ҳалаб, 1964. – 303 б.
2. Заҳроний, Абу Ёсир. Илм ар-рижол нашъатух ва татоввуруҳ мин ал-қарн ал-аввал ила ниҳая ал-қарн ат-тасиъ. – Мадина: Дор ал-хузайрий, 1996. – 356 б.
3. Заҳабий, Муҳаммад ибн Аҳмад. Тазкира ал-хуффо. – Ж:4.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998.
4. Асқалоний, Ибн Ҳажар. Ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳба. – Ж:8 . –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1994.
5. Саййид Абдулмажид ал-Ғаврий. Мавсуъа улум ал-ҳадис ва фунунуҳ. – Ж:3. – Дамашқ: Дор Ибн Касир, 2007.